

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АСТАНОВ ОТАБЕК МИРЖОНОВИЧ

ТИШ ҚАТОРЛАРИ НУҚСОНИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЧАККА – ПАСТКИ
ЖАҒ БЎҒИМИ ОҒРИҚЛИ СИНДРОМИНИ ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

БУХОРО – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Астанов Отабек Миржонович

Тиш қаторлари нуқсони билан боғлиқ чакка – пастки жағ бўғими
оғриқли синдромини даволашни
такомиллаштириш 3

Астанов Отабек Миржонович

Совершенствование лечения болевого синдрома височно
нижнечелюстного сустава связанного с дефектом зубного ряда 23

Astanov Otabek Mirjonovich

Improving the treatment of pain syndrome of the temporomandibular joint
associated with a defect in the dentition 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АСТАНОВ ОТАБЕК МИРЖОНОВИЧ

ТИШ ҚАТОРЛАРИ НУҚСОНИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЧАККА – ПАСТКИ
ЖАҒ БЎҒИМИ ОҒРИҚЛИ СИНДРОМИНИ ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

БУХОРО – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2021.3.PhD/Tib 2132 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Гаффаров Суннатулло Амруллоевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Гулямов Суръат Сайдивалиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Баймуродов Шухрат Абдужалилович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

ФДАОТМ Санкт-Петербург давлат университети (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007 Бухоро, А. Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел/факс: (+99865) 223-00-50, e-mail: bsmi.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007 Бухоро, А. Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел/факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ кунни тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш.Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Н.Ачилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD), доцент

Н.А.Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Стоматологик касалликлар орасида чакка-пастки жағ бўғимининг фаолият бузилиши ўзгаришлари ўзининг кенг тарқалганлиги, ташхислаш ва даволашда мураккаблиги билан алоҳида ўрин эгаллайди. Илмий манбаларда «...сўнгги йигирма йил давомида ўтказилган эпидемиологик тадқиқотлар чакка-пастки жағ бўғими патологияси болалар ва ўсмирлар орасида 20% гача, ёши катта аҳоли орасида 80% гача...»¹ кузатилиши қайд этилган. Шу билан бирга «...чакка-пастки жағ бўғими бўғим фаолият бузилиш синдроми патологияси мавжуд беморлар орасида бўғим фаолияти бузилиши синдромлари устунлик қилиши ҳамда 78,3% дан 95,3% гача...»² кузатилиши патологиянинг кўп тарқалганлигидан гувоҳлик қилади. Бу ҳолат, патологиянинг бошланғич босқичларининг аниқ белгиларсиз кечиши, клиник, ҳамда рентгенологик текширувларда чакка-пастки жағ бўғимида органик ўзгаришлар тўғрисида етарлича маълумотлар олиш имкониятининг йўқлиги ҳамда мутахассислар орасида ягона этиопатогенетик қарашлар йўқлиги билан тушунтирилади. Бу эса муаммонинг даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш заруратини кўрсатади.

Жаҳон миқёсида тиш қаторлари нуқсони билан кечадиган чакка-пастки жағ бўғими оғриқли синдромларини даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда замонавий стоматологияда тиш қаторлари нуқсони билан кечадиган чакка – пастки жағ бўғими оғриқли синдромларининг ўзига хос кечишини клиник, функционал хусусиятларини аниқлаш; комплекс даволашда ортопедик ва физиотерапевтик чораларнинг ўрнини баҳолаш; беморнинг соматик ҳолатини эътиборга олувчи комплекс босқичма-босқич ёндашув режасини ишлаб чиқиш; чакка-пастки жағ бўғими бўғим фаолият бузилиш синдромининг этиопатогенетик асосланган даволаш профилактика усулларини таклиф этиш; даволаш самарадорлигини баҳолаш усулларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва уни жаҳон талабларига тенглаштириш борасида мақсадли ва амалий тадбирлар амалга оширилмоқда, чакка-пастки жағ бўғими оғриқли синдромларини олдини олиш, эрта ташхислаш ва комплекс даволашнинг самарадор усулларини ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар бажарилмоқда. Бу борада «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш...»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар тиш қаторлари нуқсони билан кечадиган чакка пастки жағ бўғими оғриқли синдромларини даволашни такомиллаштириш

¹ Хватова В.А. Клиническая гнатология / М. : Медицина, 2011. – 296 с

² Петросов Ю. А. Диагностика и ортопедическое лечение заболеваний височно – нижнечелюстного сустава /Краснодар: Советская Кубань, 2007. – 304 с.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармони

амалиётини амалга ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аҳоли орасида чакка-пастки жағ бўғими оғриқли синдромларини ташхислаш, даволаш ва олдини олиш борасида олиб борилган қатор маҳаллий ва хорижий олимлар илмий изланишларида бўғимлардаги фаолият бузилиши натижасидаги оғриқли бўғим синдромлари ёки оғриқли бўғим фаолияти бузилиш синдроми билан беморлар стоматологларга энг кўп мурожаат қилишлари таъкидланган (Булычева Е.А., 2007; Лебеденко И.Ю., 2008; Ивасенко П.И. ва ҳаммуал., 2009; Каменова Л.А., 2015) ва патологик жараён вужудга келишининг асосий омиллар сифатида – тиш - жағ тизими (ТЖТ) бузилишлари (Коннов В.В. ва ҳаммуал., 2007), ТЖТ нейромушак таркибий қисмлари ҳолатининг бузилишини (Ронкин К.З., 2012; Лапина Н.В., ва ҳаммуал., 2013; Рыбалов О.В. ва ҳаммуал., 2016; Шахметова О.А., Синицина Т.М., 2017), суяк элементларининг структуравий ҳолатидаги ўзгаришларсиз кечадиган артикуляр - окклюзияли синдромлар (Чибисова М.А., 2012); чайнов мушакларининг гипертонусли синдромлари (Бугровецкая О.Г. ва ҳаммуал., 2016; Жулев Е.Н. ва ҳаммуал., 2018), турли ташқи ва ички омилларнинг уйғунлашган таъсирини (Baslan S., Zengingul A., 2006; Dym H., Israel H., 2012; Fernandes G., vanSelms M.K., Gonçaves D.A., 2015) шунингдек, руҳий - ҳиссий ҳолатнинг бузилиши чакка-пастки жағ бўғими дисфункцияси ривожланишининг муҳим этиологик омилли эканлигини кўрсатиб ўтишган (Трезубов В.Н., 2006; Коцюбинская Ю.В. ва ҳаммуал., 2014; Саргисян А.Э., 2014; Карелина А.Н. ва ҳаммуал., 2016).

Маълумки, чакка-пастки жағ бўғимида бўғим фаолияти бузилиш синдроми клиник - симптоматик белгиларнинг турли - туманлиги ва доимий тавсифда кечмаслиги ташхислашда мураккаблик туғдириши (Долгалев А.А., 2007; Каменова Л.А., 2015), айтилиши вақтда тадқиқотларда патология белгиларини аниқ намоён эта оладиган усулларни яратиш, жумладан клиник-функционал, антропометрик, иммун-микробиологик, ижтимоий ва ускунавий тадқиқотлар (Василенко А.М., 2006; Гайворонский И.В., 2008; Бугровецкая

О.Г., 2011) олиб борилаётганини ҳам кузатамиз. Тадқиқот натижаларида чакка-пастки жағ бўғими бўғим фаолият бузилиш синдроми биринчи навбатда латерал қанотсимон чайнов мушаклар қисқариши тонуси бузилиши билан узлуксиз боғлиқ бўлиши таъкидланган (Семенюк В.М., Смирнов К.В., 2003; Сидоренко А.Н., 2012), ҳамда беморлар кўпинча пастки жағ ҳаракатларида “шовқин” ходисаларига, узоқ вақт чайнаганда ёки сўзлашув вақтида чайнов мушакларидаги оғриққа, чайнашнинг бузилиши, кулоқларнинг битиши ва улардаги шовқинга шикоят билан мурожаат қилишини айтишган (Рабухина Н.А., 2008; Корж Г.М., 2009; Каменева Л.А., 2015). Беморлар келтирадиган шикоятлар нафақат чакка-пастки жағ бўғимидаги морфологик ва функционал ўзгаришлар билан, балки патологик жараёнда бутун чайнов аппарати аъзолари ва тўқималарининг қўшилиши билан боғлиқ, қатор ҳолатларда эса, улар инсоннинг руҳий-хиссий ўзгаришларининг (Сотникова М.В., 2009; Бессчастный Д.С., 2010) оқибати эканлиги таъкидланган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда чакка-пастки жағ бўғими оғриқли синдромлари, жумладан бўғим фаолияти бузилиш синдроми патогенези ва бўғимдаги ўзгаришларни коррекциялаш (Гаффаров С.А., 2016), металлопротеиназанинг ўрнини баҳолаш (Саидов А.А., 2021), даволашда энзимотерапевдан фойдаланиш (Олимов С.Ш., 2019) ҳақида кўп янги маълумотлар олинди, бу диагностика ва даволашнинг янги усуллари ҳосил бўлишига олиб келди. Тиш қатори нуқсони билан бирга кечувчи чакка-пастки жағ бўғими оғриқли синдромлари мавжуд беморларда бўғим фаолияти бузилиш синдроми ривожланиш хавфи ва оғирлик даражаси анча юқори бўлиб, бундай омиллар кўп жиҳатдан касалликнинг ривожланиши ва клиник кечишига таъсир қилади (Гаффаров С.А., 2008; Хабилов Н.Л., 2017; Алиев Н.Х., 2021). Бундан ташқари аҳолининг турли қатламлари орасида чакка-пастки жағ бўғими оғриқли синдромларини эрта ташхислаш, хавф омилларини баҳолаш ва даволаш самарадорлигини ошириш борасида қатор олимлар томонидан илмий тадқиқотлар ўтказилган (Ризаев Ж.А., 2005; Сафаров М.Т., 2009; Муртазаев С.С., 2017). бироқ, турли ёш гуруҳларида тиш қатори нуқсони билан кечадиган чакка-пастки жағ бўғими оғриқли синдромларини даволашни такомиллаштириш амалиёти амалга оширилмаган. Натижада чакка-пастки жағ бўғими бўғим фаолият бузилиш синдроми беморлар орасида мураккаб ечимсиз муаммо каби шаклланишига, айни вақтда стоматолог мутахассислар олдида ҳам долзарб муаммолардан бири бўлиб қолишига сабаб бўлмокда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (02.2020 PhD. 084) «Бухоро минтақаси иссиқ иқлимли шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикаси бўйича янги ёндашувларни ишлаб чиқиш» илмий лойиҳаси доирасида бажарилган (2017-2021 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади тиш қаторлари нуқсони билан боғлиқ чакка-пастки жағ бўғими патологияларида беморларда оғриқли синдромни даволашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чакка-пастки жағ бўғим соҳасидаги келиб чиқадиган касалликларни учраши даражасини ўрганиш, ҳамда чакка-пастки жағ бўғими фаолият бузилишларида тиббий-ижтимоий омиллар ўрнини баҳолаш;

чакка-пастки жағ бўғим фаолиятидаги бузилишларни ташхислаш ва даволашда қўлланилган клиник-функционал усуллар самарадорлигини таҳлил қилиш;

чакка-пастки жағ бўғими фаолият бузилиши синдромларидаги оғриқларини ташхислаш ва даволашда самарали усулларни асослаш;

чакка-пастки жағ бўғими фаолият бузилишлари касалликларини ташхислаш ва даволашда тиббиётнинг турли ихтисосликдаги мутахассислари ёндашуви ўртасидаги боғлиқликни кетма-кетлигини яратиш ва асослаш;

чакка-пастки жағ бўғими фаолият бузилиши синдромларининг этиопатогенезига асосланган комплекс, стоматологик, неврологик ва ижтимоий омилларга таянган даволашни амалий соғлиқни сақлаш тизимига тадбиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро давлат тиббиёт институти Стоматология ўқув-илмий-амалий марказига ҳамда Бухоро вилоят болалар стоматология поликлиникасига тиш ва тиш қатори нуқсони билан мурожаат этган 120 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тиш қатори нуқсони билан боғлиқ чакка – пастки жағ бўғими оғриқли синдромини даволашни такомиллаштиришда тиббий ҳужжатлар, рентген суратлар, тиш-жағ соҳаси юмшоқ ва қаттиқ тўқималари, тишлар.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда стоматологик, магнит резонанс компьютер томография, R-графия, электромиография, окклюзиография ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

қиёслашда юз-жағ соҳаси тўқималарида кузатилиши мумкин бўлган симптомларни инобатга олган ҳолда, чакка-пастки жағ бўғими фаолият бузилишларини ташхислаш ва клиник ташхис мезонлари аниқланган;

чакка-пастки жағ бўғими фаолият бузилишларида юз-жағ соҳасидаги нейромушак тўқималар салбий ўзгаришларига клиник жиҳатидан фаолият бузилишларига баҳо беришда этиопатогеник омилларига асосланиб, такомиллаштирилган даво чораларининг самарали хусусиятлари аниқланди;

чакка-пастки жағ бўғими фаолият бузилишларига ташхис қуйишда, клиник-ташхис синамалари, тиббий - ижтимоий маълумотларидан фойдаланиш, шунингдек инструментал ва параклиник ускуналардан биргаликда фойдаланилганда даволаш натижаларининг ижобийлиги исботланди;

чакка-пастки жағ бўғими фаолият бузилиш синдромлари билан оғриган беморларга ташхис қўйиш ва даволаш методологиясининг самарадорлиги стоматологлар, невропатологлар билан биргаликда бўғимларнинг, юзнинг нерв-мушак мажмуаси ва беморнинг характеридаги симптоматик аломатлар ва синдромларни ҳисобга олишга асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Амбулатор-поликлиника муассасаларида стоматолог мутахасис томонидан тиш қаторлари нуқсонлари ва тишларнинг окклюзион юзаси нуқсонлари билан боғлиқ чакка-пастки жағ бўғими бўғим фаолияти бузилиш синдромини ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштирди ва мутахассислараро касбий муносабатда боғлиқликга асос яратишдан иборат;

Амбулатор-поликлиника муассасаларида стоматолог қабулида бўлган беморларнинг тишлар ва тиш қаторларининг яхлитлиги бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар чакка-пастки жағ бўғими бўғим фаолияти бузилиш синдроми патологияларини келтириб чиқариши хавфи мавжудлигидан бохабар бўлишга, эрта ташхис қўйиш ва ёрдам кўрсатишни қисқа вақтларда ташкил этиш имкониятини оширди;

Амбулатор-поликлиника шароитида тишлар ва тиш қаторларининг яхлитлиги бузилишларида чакка-пастки жағ бўғими бўғим фаолияти бузилиш синдромида беморларга стоматологик ёрдам кўрсатишда самарали усулларни эрта танлашга имкон яратди;

Амбулатор-поликлиника шароитида тишлар ва тиш қаторлари нуқсонлари оқибатида шаклланган ва ривожланаётган чакка-пастки жағ бўғими бўғим фаолияти бузилиш синдромини эрта бартараф этиш, ташхис қўйиш, даволаш самарадорлигини назорат қилиш учун мутахасиснинг тезкор кенг қамровли ёндошувига асослар яратилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва танланган усуллар, ўтказилган клиник тадқиқотлар услубияти, ишончлилиги, беморлар миқдори, клиник, функционал натижаларнинг статистика усулларда таҳлили, натижалар чет эл ва мамлакатимизда олиб борилган охириги йилдаги тадқиқотчилар натижалари билан солиштирилиши; натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган хулосалари билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тишлар нуқсони ва тиш қаторлари окклюзион юзаси бузилиши оқибатида чакка-пастки жағ бўғими бўғим фаолияти бузилиш синдроми патологиялари шаклланганда чайнов мушаклари, юз-жағ соҳаси мушаклари, бош оғриғи, кулоқ оғриғи ва бошқа симптоматик белгиларнинг бартараф этилиши албатта стоматологик ортопедик протезлаш, тахтакачлаш усулларини қўллаб, ижтимоий-тиббий даволаш усулларини реабилитация қилиш учун асос бўлиши клиник, функционал, махсус текшириш натижаларининг таҳлили асосида изоҳланган.

Амбулатор-поликлиника шароитида тиш қатори ва тишлар окклюзион юзаси нуқсонлари оқибатида шаклланган чакка-пастки жағ бўғими бўғим фаолияти бузилиш синдромини ташхислаш ва даволашда таклиф этилаётган алгоритм; клиник-функционал намуналар, оғиз бўшлиғи ва жағларнинг морфологик кўрсаткичлари ҳамда электромиографик тадқиқотлар чакка-пастки жағ бўғими шикастланиш даражаси ва тавсифини аниқлаш самарадорлигини оширади ва мазкур патологиянинг миқдоран катталиги, нуқсоннинг тури, оғирлиги ва омилларини вақтида аниқлаб, самарали ёрдам бериш имкониятини оширади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Тиш қаторлари нуқсони билан боғлиқ чакка-пастки жағ бўғими оғриқли синдромини даволашни такомиллаштириш» мавзуси юзасидан амалга оширилган тадқиқот натижалари асосида:

беморларда чакка-пастки жағ бўғими фаолиятидаги оғриқли синдромларга комплекс даволаш усулларида олинган илмий натижалар асосида «Чакка – пастки жағ бўғими фаолияти бузилишидаги оғриқли симптомларини комплекс даволаш усуллари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 23 октябрдаги 8н-р/968-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома чакка-пастки жағ бўғими бўғим фаолияти оғриқли синдромига комплекс даволаш усуллари самарадорлигини очиқ бериш имконини берган;

беморларда тиш қаторлари нуқсонлари билан боғлиқ чакка-пастки жағ бўғими фаолиятидаги оғриқли синдромларни ташхислашда қўлланилган клиник, функционал текшириш усулларида олинган ижобий натижалар асосида «Тиш қатори ва чайнов юзаси нуқсонлари асоратидан шаклланган чакка – пастки жағ бўғими фаолиятидаги оғриқли синдромларга ташхис қўйишни мукамаллаштириш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 4 ноябрдаги 8н-р/1035-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома чакка-пастки жағ бўғими бўғим фаолияти оғриқли синдромини ташхислаш, индивидуал ёндашувнинг қўлланилиши бизга бошқа мутахассислар ва замонавий ускунавий мосламаларни жалб қилмасдан, амбулатор-поликлиникалар шароитида тез тиббий ёрдам кўрсатиш имконини берган;

Тиш қаторлари нуқсони билан боғлиқ чакка-пастки жағ бўғими бўғим фаолияти бузилишидаги оғриқ синдромини даволашни такомиллаштиришга қаратилган замонавий комплекс ёндашувлари асосида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Ғиждувон туман, Когон туман, Ромитан туман, Пешку туман, Олот туман, Вобкент туман стоматология поликлиникалари клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 ноябрдаги 8н-з/503-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ қилиниши тиш қатори нуқсонлари асоратидан шаклланган ва ривожланган чакка-пастки жағ бўғими бўғим фаолияти бузилиш синдромида ташхис қўйиш, даволаш ва профилактика қилиш, уларнинг оқибатларини камайтириш, ортопедик даволашда аҳоли орасида касалликнинг камайишига олиб келади, сифатли тиббий-ижтимоий боғлиқликдаги мутахассислар орасида касбий боғлиқликни шакллантирган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 4 таси ҳорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги, мақсади ва вазифаларини асослаган, ўрганиш объекти ва мавзусини тавсифлаган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этиш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган, нашр этилган ишлар ва ишнинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **«Чакка-пастки жағ бўғими дисфункциясининг эпидемиологияси, этиологияси, патогенези ва даволаш усулларининг замонавий талқини»** ўрганилаётган муаммо бўйича маҳаллий ва хорижий олимларнинг энг замонавий илмий ютуқлари таҳлил қилинган, чакка-пастки жағ бўғимининг морфологик тузилиши ва биомеханикаси тўғрисида таҳлил ва далиллар, этиопатогенетик концепциялари, беморларда чакка-пастки жағ бўғими дисфункциясини ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг замонавий усуллари чуқур таҳлил қилинган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Тиш қаторлари нуқсони билан боғлиқ чакка – пастки жағ бўғими оғриқли синдромини даволашни такомиллаштириш материал ва усуллари»** тадқиқот материали сифатида 2018 - 2021 Бухоро вилояти болалар стоматология поликлиникасига тиш қатори нуқсони мавжуд ҳамда чакка-пастки жағ бўғимининг оғриқли дисфункцияси мавжуд 20 ёшдан 59 ёшгача бўлган 120 нафар беморлар, шундан 78 нафарини аёллар ва 42 нафар эркеклар тиббий кўриқдан ўтказилган. Тадқиқот гуруҳлари жинси ва ёши бўйича гуруҳларга ажратилган. Ёш гуруҳлари бўйича 20-29 ёш, 30-39 ёш, 40-49 ёш, 50-59 ёшларга ҳамда бундан ташқари стоматологик муолажа олганлар, умумий даво олганлар ва чакка-пастки жағ бўғимининг бир томонлама ва икки томонлама соғломлар гуруҳларига ажратилиб динамикада кузатувлар олиб борилган (1-жадвал).

1-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, чакка пастки жағ бўғими бўғим фаолияти оғриқли синдромини кўпинча аёлларда (61,9%) учраши, беморларнинг асосий сони 40 ёшдан катта (59,6%) эканлиги, шунингдек чакка пастки жағ бўғими бўғим фаолияти оғриқли синдромини умумий патологиялари орасида окклюзия-артикуляция синдромини энг кўп (46,42%) ҳолатларда аниқланган. Бундан ташқари стоматологик даво чоралари ўтказилган 1-кичик гуруҳда; окклюзия-артикуляция синдромини билан - 20 (23,80%) нафар, нерв-мушак синдромини билан - 10 (11,90%) нафар, бўғим дискининг чиқиши билан - 10 (11,90%) нафар бемор, умумий 40 (47,61%) нафар бемор ҳамда бир вақтда комбинациялашган даво чоралари қабул қилган 2-кичик гуруҳда; окклюзия-артикуляция синдромини билан - 19 (22,61%) нафар, нейромушак синдромини

билан - 18 (21,42%) нафар, бўғим дискининг чиқиши билан - 7 (8,33) нафар, жами 44 (52,38%) нафар бемор ажратилган.

1-жадвал

Беморларни гуруҳлар, ёшлар ва жинс бўйича тақсимлаш

Патология		ЧПЖБ ОДС			Жами беморлар	Назорат гуруҳи
Ёш	Жинс	ОАС (АГ-1)	НМС (АГ-2)	БДЧ (АГ-3)	ЧПЖБ БФБС	
20-29 n=12	Э; n=4	2 (6,25%)	2 (6,25%)	-	12 (14,28%)	2 (12,5%)
	А; n=8	4 (7,69%)	3 (5,76%)	1 (1,9%)		2 (10,0%)
30-39 n=22	Э; n=7	3 (9,37%)	2 (6,25%)	2 (6,25%)	22 (26,19%)	5 (31,25%)
	А; n=15	8 (15,38%)	4 (7,69%)	3 (5,76%)		5 (25,0%)
40-49 n=24	Э; n=8	3 (9,37%)	3 (9,37%)	2 (6,25%)	24 (28,57%)	5 (31,25%)
	А; n=16	8 (15,38%)	5 (9,61%)	3 (5,76%)		6 (30,0%)
50-59 n=26	Э; n=13	7 (21,87%)	4 (12,5%)	2 (6,25%)	26 (30,95%)	4 (0,25%)
	А; n=13	4 (7,69%)	5 (9,61%)	4 (7,69%)		7 (35%)
Э; n= 32 (38,09%) А; n=52 (61,9%)		15 (17,85%)	11 (13,09%)	6(7,14%)	84 (100%)	16 (44,44%)
		24 (28,57%)	17 (20,23%)	11 (13,09%)		20 (55,55%)
Жами беморлар n=84 (100%)		39 (46,42%)	28 (33,33%)	17 (20,23%)	84 (100%)	36 (100%)
Стоматологик даволанган беморлар (1-кичик гуруҳ)		20 (23,80%)	10 (11,90%)	10 (11,90%)	40 (47,61%)	-
Комплекс даволанган беморлар (2-кичик гуруҳ)		19 (22,61%)	18 (21,42%)	7 (8,33%)	44 (52,38%)	-
Умумий текширувлар n=120	Асосий гуруҳ 84 (70,0%)	39 (32,5%)	28 (23,33%)	17 (14,16%)	84/36%	36 (30,0%)

Илмий изланишлар қуйидаги йўналишлар бўйича олиб борилди: субъектив ва объектив тадқиқот усуллари; окклюзиография; электромиография; магнит резонанс компьютер томография усулларида фойдаланиб клиник жараён ва даволаш самарадорлиги баҳоланган.

Ҳар бир беморга индивидуал, шу жумладан маҳаллий ва умумий тадбирларни ўз ичига олган даволаш ўтказилган. Беморларни кўриқдан ўтказиш умумий қабул қилинган клиник усуллар ёрдамида амалга оширилган: сўров, стоматологик кўрик, умумий ва махсус текшириш усуллари қўллаш. Оғиз бўшлиғини текширганда тишлов, тишлар ва тиш қаторларининг ҳолатига алоҳида эътибор қаратилган.

Беморларнинг ташхиси чакка пастки жағ бўғими патологияси мавжуд беморларни текшириш; субъектив ва объектив тадқиқот усуллари батафсил таърифланган бўлимлардан ташкил топган сўровнома асосида, жумладан; бош


ва кулоқ соҳасида шовқин ҳолатлари – тури ва тавсифи; чакка пастки жағ бўғими соҳасида ва бошдаги оғриқлар – тавсифи, вақти, кучи, давомийлиги; пастки жағнинг чиқиши – тўла, қисман ва вақти; пастки жағ ҳаракатининг чегараланиши (блокировка) – қисман ёки тўла, вақти, тавсифи; чакка пастки жағ бўғими фаолият-ташхис синамалари асосида бўғим соҳалари пайпаслаганда пастки жағ бошчасининг жойлашиши, мушаклар тонуси, оғриқлилиги, зичлиги, мушакнинг асимметрик қисқариши, пастки жағ силжишининг юзага келиши каби қатор шикоятлар мукамал ўрганилган ва баҳоланган.

Беморларда юқори ва пастки жағ тиш қаторлари окклюзиографияси мумли пластинка тишлови орқали ўтказилди. Бу усул орқали эрта контактлар аниқланган, пастки жағнинг вертикал йўналишдаги ҳаракати баҳоланган.

Чайнов мушакларини биоэлектрик фаоллигининг тадқиқоти «Neyrotex» фирмасининг «Sinapsis» стоматология тадқиқотлари учун тўрт каналли мослашувчан электромиографида ўтказилган.

Магнит резонанс компютер томографияси «GE Light Speed» фирмасининг кўп кесимли томографида, оғиз очик ва ёпиқ ҳолатда, бунда бир босқичда сканерлаш вақти 5-7 сония. Сканерлаш кесим қалинликлари: 120 Кв; 140 мА; кесим қалинлиги 1,25 мм, реконструкция оралиғи 0,8 мм; шунингдек сагиттал ва фронтал текисликларда мултипленар реконструкциялар, шунингдек оғиз ёпиқ ва очик ҳолатда уч ўлчамли (3Д) тасвирнинг реконструкцияси ўтказилди.

Чакка пастки жағ бўғими бўғим фаолияти бузилиши синдромида аниқланган патология ҳолатларини бартараф этиш мақсадида танланган тадқиқот гуруҳларига даволаш муолажалари натижасини баҳолаш мақсадида гуруҳларга ажратилган (1-расм). Даволаш натижаларини баҳолаш мақсадида назорат гуруҳи (н/г) сифатида тиш қатори нуқсони мавжуд 36 нафар бемор олинган.



1-расм. Текширилган беморларда даволаш гуруҳлари тавсифи

Олинган маълумотлар шахсий компютердаги "STATISTICA V.6.0" дастури бўйича ишлаб чиқилган ўртача арифметик кўрсаткич (M), ўртача

стандарт хатолик (m), нисбий қиймат (частота, %), хатолик эҳтимоли (P) каби статистик функциялардан фойдаланиб ҳисобланди. Ўрганилаётган кўрсаткичларнинг ўртача қийматлари ўртасидаги фарқларнинг ишончилигини баҳолаш учун «t» (Стьюдент кўрсаткичи) ишончилик коэффициентидан фойдаланилди. Гуруҳлар ва текшириш усуллариининг натижалари солиштирилиши, яъни хусусиятлар ўртасидаги муносабатлар Спирмен (R) корреляцион боғлиқликлар таҳлил усули билан ўрганилди.

Диссертациянинг учинчи бобида «**Чакка-пастки жағ бўғим фаолияти бузилиши синдромлари мавжуд беморларнинг стоматологик ҳолатини клиник баҳолаш**» текширилаётган беморларнинг клиник хусусиятлари, шунингдек, даволашгача бўлган тадқиқот натижалари келтирилган.

Текширилган 120 (100%) нафар беморнинг 84 (70%) нафарида чакка пастки жағ бўғими бўғим фаолияти бузилиш синдромининг турлича шакллари аниқланган; 39 (32,5%) нафар – окклюзион артикуляцион синдром; 28 (23,33%) нафар – нейромушак синдром; 17 (14,16%) нафар – бўғим дискининг чиқиши ва назорат гуруҳи сифатида 36 (30%) нафар бемор тадқиқотга жалб қилинган. Чакка пастки жағ бўғими бўғим фаолияти бузилиш синдроми аниқланган беморларнинг жинси бўйича солиштирилганда 38,1% эркаклар, 61,9% аёллар тўғри келиши аниқланган. Бу кўрсаткич ҳам қатор адабиётларда келтирилган, яъни ўрганилаётган патологиянинг аёллар орасида кўп учраши тўғрисидаги фикрларни тасдиқлаган.

Тадқиқотдаги беморлар орасида чакка пастки жағ бўғими бўғим фаолияти бузилиш синдроми ёш гуруҳи бўйича ҳам тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжудлигини кўрсатган; бунда 20-29 ёшлилар - 14,28%; 30-39 ёшлилар – 26,19%; 40-49 ёшлилар – 28,57%; 50-59 ёшлилар – 30,95% ҳолатда касаллик тарқалганлиги кузатилган.

Шунингдек, асосий гуруҳдаги 84 нафар беморнинг тиббий картаси таҳлилида биз бўғим фаолияти бузилиш синдромининг қуйидаги нозологик шакллари аниқладик; окклюзион артикуляцион синдром– 46,42% (АГ-1); нейромушак синдром – 33,33% (АГ-2); бўғим ичи дискининг чиқиши – 20,23% (АГ-3). АГ-1, 2 ва 3 да беморларнинг текширувидан олинган натижалар таҳлил қилинган. Аниқланган маълумотларни батафсил ўрганиб, чакка пастки жағ бўғими бўғим фаолияти бузилиш синдроми нозологик шаклларида АГ-1 – 95%, АГ-2 ва 3 да 100% ҳолатда учрайдиган клиник белгилари аниқланган.

Чакка пастки жағ бўғими бўғим фаолияти бузилиш синдроми билан оғриганларнинг 97% ида белгиларнинг қуйидаги комбинацияси кузатилган: оғизни ўртача очишда шиқиллаш, чакка пастки жағ бўғимида симиллаган оғрик, зарарли одатлар, тишларнинг қисман йўқлиги, чакка пастки жағ бўғими соҳаси палпацияланганида оғрик, девиация, эрта контактлар, чайнов мушаклари амплитудасининг пасайиши, тинч ҳолатда чайнов мушаклари биоэлектр фаоллигининг ортиши. Нейромушак синдроми мавжуд беморларда ҳам шундай суръат кузатилган.

Бўғим диски чиқиши деярли 100% беморларда оғиз ўртача очилганида шиқиллаш, чайнаш ва оғиз максимал очилган вақтда чакка пастки жағ бўғимида қисқа муддатли оғрик, бўғимда бегона жисм ҳисси, чайнаш вақтида мушакларнинг тез толиқиши, бўғимнинг «тўхтаб қолиши», «блоккланиши»,

тишларни тўғри туташтириш имконсизлиги, зарарли одатлар, бир томонда чайнаш, латерал қанотсимон мушаклар палпациясида оғриқ, оғиз очилишининг чекланиши, шикастланган томонга дефлексия, эрта контактлар, оғиз очиш амплитудасининг пасайиши, бўғим ёриғининг торайиши, бўғим бошларининг бўғим бўртиғи қиялигида жойлашиши билан бирга кечган.


АГ-1 беморларида текширилган 39 нафар беморда окклюзион артикуляцион синдром аниқланган, улар қуйидагиларга шикоят қилишган: чакка пастки жағ бўғимида симиллаб оғриш – 37 нафар (94,78%), бунда 27 нафариди (69,2%) оғриқ чайнаш вақтида, 12 нафариди (30,76%) эса – оғиз очилганида ҳосил бўлганлигини айтишган. Бир томондаги оғриққа 25 нафар (64,10%), икки томонлама оғриққа – 13 нафар (33,33%) беморлар шикоят қилишган. Маҳаллий оғриқ 28 нафар (71,79%) беморда, қулоқ ва чакка соҳасига кўчган оғриқ эса – 10 нафар (25,64%) беморда мавжуд бўлган. Оғизни ўртача очиш вақтида шиқиллаш 38 нафар (97,43%) текширилганларда аниқланган, улардан бир томонда 28 нафар (73,68%), икки томонда – 10 нафариди (26,31%). 6 нафар (15,38%) беморда жағлар зич қисилганида қарсиллаш пайдо бўлиши кузатилди. Бўғимда бегона жисм мавжудлик ҳисси 14 нафар (35,89%) текширилганларда аниқланди; қулоқларда оғриқ, қулоқлар битиши 18 нафар (46,15%) беморда; тил ачишига шикоятларни 6 нафар (15,38%) бемор келтирган; овқатланиш вақтида чайнов мушакларининг толиқиши 14 нафар (35,89%) беморда аниқланди; пастки жағ ҳаракатларининг чегараланиши 14 нафар (35,89%) текширилувчида кузатилди; чайнов мушакларининг гипертонуси ва жағларнинг кундузги вақт қисилиши 5 нафар (12,83%) беморда, бруксизм – 6 нафар (15,38%) беморда аниқланган.

АГ-2 беморларида чакка пастки жағ бўғими нейромушак синдром мавжуд 28 нафар бемор. Улар 100% ҳолатда чайнаш вақтида ҳосил бўлувчи ўткир ва қисқа муддатли оғриққа шикоят қилишган, улардан 24 нафариди (85,71%) оғриқ бир томонда ва 4 нафариди (14,28%) икки томонда оғриқ кузатилган.

Беморларда маҳаллий оғриқ – 19 нафар (67,85%) инсонда аниқланди; 4 нафар (14,28%) беморда эса оғриқ қулоқ, чакка соҳасига кўчган; чайнов мушакларида – 8 нафар (28,57%) беморда оғриқ кўчган, шунингдек 28 нафар (100%) беморда шиқиллаш кузатилган, улардан бир томонда 20 нафар (71,42%), икки томонлама шиқиллаш 5 нафар (17,87%) беморда аниқланди; оғиз очилган вақтда шиқиллаш 21 нафар (75%) беморда кузатилган, очилган ва ёпилган вақтда эса 10 нафар (35,71%) беморда; 4 нафар (14,28%) беморда жағлар зич қисилганида қарсиллаш пайдо бўлган. Бўғимда бегона жисм ҳисси ва «тўхтаб қолиши», бўғимнинг чегараланиши 28 нафар (100%) текширилувчиларда кузатилди; шикастланган томонда қулоқларда шовқин ва қулоқлар битиши 20 нафар (71,42%) беморда аниқланган.

АГ-3 беморларида 17 ҳолатда (100%) чайнаш ёки сўзлашув вақтида ўткир оғриқ кузатилган; улардан бир томонда оғриқ 10 нафариди (58,82%); икки томонлама оғриқ – 7 нафариди (41,17%); маҳаллий оғриқ – 12 нафар (70,58%) беморда; - 6 нафар (35,29%) беморда ўткир оғриқ қулоқ, чакка, ўмров суяги соҳасига кўчган; шунингдек шиқиллаш 15 нафар (88,23%) беморда, шундан 7 ҳолатда оғиз очилган вақтда ва 8 ҳолатда сўзлашув вақтида кузатилган.

Чакка пастки жағ бұғими бұғим фаолияти бузилиш синдромида оғизни очилиши ва вақтини махсус ўрганилганда куйидаги натижалар кузатилган. Окклюзион артикуляцион синдром, нейромушак синдроми ва бұғим диски чиқишида оғиз очилганида ва ёпилганида вертикал ҳаракатлар характери ўрганиш натижасида АГ-1 да ҳаракатлар амплитудаси оғиз максимал очилганида $1,0 \pm 0,2$ см ($24,8 \pm 4,1\%$) га пасайиши аниқланди. АГ-1 - амплитуда - $2,9 \pm 0,6$ см, вақт - $6 \pm 0,4$ сония; АГ-2 – амплитуда - $3,0 \pm 0,2$ см, вақт - $6 \pm 0,3$ сония; АГ-3 – амплитуда - $3,1 \pm 0,7$ см, вақт $5 \pm 0,5$ сония, назорат гуруҳида бу кўрсаткичлар $4,4 \pm 0,4$ см ва $4 \pm 0,2$ сонияга тўғри келмоқда (2-расм). Назорат гуруҳи билан таққосланганда корреляция коэффициенти пастки жағ вертикал ҳаракатлар амплитудасининг пасайиши ва чакка пастки жағ бұғими фаолият бузилиш синромлари: окклюзион артикуляцион синдром, нейромушак синдром ва бұғим диски чиқишида вужудга келиши ўртасида тўлиқ ўзаро боғлиқлик мавжудлиги аниқланган.



2-расм. АГ-1, АГ-2, АГ-3 ва назорат гуруҳидаги беморлар оғзини максимал очганида пастки жағ вертикал ҳаракатларининг ўзига хос хусусиятлари

Оғиз очилганида ва ёпилганида жағнинг ўрта-сагиттал чизиқдан $2 \pm 0,5$ см га оғиши кузатилган ва бу тасвирнинг чўзилиши ҳамда йўналишининг ўзгаришида ифодаланган. Пастки жағни туширишга сарфланган вақт $4 \pm 0,3$ сонияни ташкил қилди, бу меъёрга мос.

Чакка пастки жағ бұғими бұғим фаолияти бузилиш синдромида аниқланган тадқиқотда иштирок этаётганлар орасида ўтказилган электромиография (ЭМГ) тадқиқот натижалари тинч ҳолатда АГ-1, АГ-2 ва АГ-3 да чайнов мушакларининг биоэлектрик фаоллиги (БЭФ) ортишини; максимал қисилганда ва чайнаш вақтида пасайишини кўрсатди (2-жадвал).

Даволашдан олдин ЧПЖБ БФБС мавжуд беморларда чайнов ва чакка мушакларининг фаолияти тавсифи (n=29).

Гуруҳ	ЭМГ кўрсаткичи (мкВ)	Чайнов мушаклари		Чакка мушаклари	
		Шикастланган томон	Соғлом томон	Шикастланган томон	Соғлом томон
АГ-1	ТБЭ	41,2±4,9	39,7±5,1	43,8±4,2	39,0±4,9
	БЭФ (қисиш)	490,2±43,2	461,4±32,2	432,6±50,3	473,4±46,2
	БЭФ (чайнаш)	377,2±69,4	367,2±60,1	334,3±81,4	354,8±69,1
	Чайнаш вақти (с)	7,98±0,2	7,47±0,3	7,98±0,4	7,54±0,3
	Тинч ҳолат (с)	6,44±0,5	6,33±0,2	6,56±0,6	7,21±0,2
АГ-2	ТБЭ	42,2±5,1	41,2±4,3	38,8±3,6	37,3±4,1
	БЭФ (қисиш)	337,1±98,2	344,5±101,3	204,3±100,3	234,5±122,1
	БЭФ (чайнаш)	240±71,3	265±65,4	239±67,4	263±90,3
	Чайнаш вақти (с)	9,42±0,3	8,2±0,2	9,47±0,2	9,0±0,2
	Тинч ҳолат (с)	6,87±0,3	7,71±0,3	7,09±0,1	8,22±0,1
АГ-3	ТБЭ	42,4±5,8	40,2±6,3	40,4±2,8	36,3±5,1
	БЭФ (қисиш)	360,1±100,2	376,5±122,3	218,6±125,3	248,4±134,1
	БЭФ (чайнаш)	244±70,3	288±80,2	260±87,4	295±93,3
	Чайнаш вақти (с)	9,42±0,3	8,92±0,3	9,86±0,6	9,03±0,4
	Тинч ҳолат (с)	7,03±0,6	7,81±0,3	7,48±0,1	8,67±0,4

